

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АЛИМОВА ШАХНОЗА ШУКУРОВНА

**МЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВОСИТАСИДА БЎЛАЖАК
ЎҚИТУВЧИЛАРНИ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРГА
ЎРГАТИШ (рус тилини ўқитиш мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 37.016:811.161.1:004

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Алимова Шахноза Шукуровна

Медиа технологиялар воситасида бўлажак ўқитувчиларни назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш (рус тилини ўқитиш мисолида).....

Алимова Шахноза Шукуровна

Обучение теории и практическим умениям будущих учителей средствами медийных технологий (на примере обучения русскому языку).....

Alimova Shakhnoza Shukurovna

Teaching the theory and practical skills of future teachers by means of media technologies (for example, teaching the Russian language).....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АЛИМОВА ШАХНОЗА ШУКУРОВНА

**МЕДИА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВОСИТАСИДА БЎЛАЖАК
ЎҚИТУВЧИЛАРНИ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРГА
ЎРГАТИШ (рус тилини ўқитиш мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.Phd/Ped1148 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Аъламжон Амриллоевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Асилова Гулшан Асадовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона Давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «21» 01 соат 1400 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366)239-12-29, факс: (0366) 239-13-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «11» 01 да тарқатилди.
(2022 йил «11» 01 даги 13 -рақамли реестр баённомаси)



Х.И.Ибраимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий Кенгаш раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор

Ш.Р.Ураков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD) пед.ф.б.

Н.Ш.Шодиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда ривожланиш тенденцияларига кўра таълим соҳаси юқори малакали мутахассисларнинг умумий ва ижтимоий-маданий компетентлигини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида намоён бўлиб, бўлажак мутахассисларни тайёрлаш контекстида таълим сифатини ошириш ва уни такомиллаштириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги стратегик вазифа глобал инновацион жамиятни шакллантиришнинг устувор йўналиши сифатида «билимлар триадаси (учбурчаги)» (таълим, изланиш ва инновация) интеграциясининг ривожланиш моделларини такомиллаштириш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Бу эса таълим жараёнида медиа технологиялардан фойдаланиш, шахснинг маънавий, маданий, касбий ва амалий соҳаларига мос келадиган назарий билим, кўникма ва малакаларни қўллаш қобилиятларини шакллантиришни устувор йўналишлардан бирига айлантirmoқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида халқаро таълим хизматлари бозорида намоён бўладиган ахборот, коммуникация ва медиа технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, таълимга ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, глобал ахборотлаштириш шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ўқитувчиларнинг креатив салоҳиятини ривожлантириш, шахс томонидан медиа ишлаб чиқаришни самарали ўрганиш, талабалар ўртасида медиа саводхонлигини шакллантириш йўналишдаги изланишлар натижалари муҳим аҳамиятга эга. Шунинг билан биргаликда бўлажак ўқитувчиларнинг назарий ва амалий кўникмаларини медиа технологиялар ёрдамида шакллантириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар зарурияти юзага келмоқда.

Ўзбекистонда таълим жараёни субъектларининг оммавий ахборот маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш учун медиа-порталлар, видео ва аудио ахборот, ахборот-ресурс марказлари, босма ва электрон адабиётлар, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланма шаклидаги норматив-ҳуқуқий база яратиш, мултимедиа дастурларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун кўшимча шароитлар яратиш”¹ вазифалари белгиланиб, бу борада телекоммуникация тизимларининг глобаллашуви шароитида тилларни ўзлаштириш ва ўрганишининг самарадор шакл, воситалари ҳамда медиатеchnологияларини аниқлаш, уларни амалиётга жорий қилиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4545884>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон «Умумий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва тегишли соҳадаги бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда таълимга ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, глобал ахборотлаштириш шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ўқитувчиларнинг креатив салоҳиятини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари Д.Абдуазимова, А.Абдуқодиров, М.Арипов, С.Бабаджанов, У.Бегимқулов, С.Ғуломов, Ф.Закирова, Э.Қосимова, М.Лутфуллаев, Н.Муслимов, Н.Рустамова, Ў.Толипов, М.Файзиев, Т.Шоимардановлар томонидан олиб борилган.

Рус тилини ўқитиш ва унинг методикасини такомиллаштириш масалалари Ш.А.Абдуллаева, В.И.Андрянова, О.В.Кон, И.Н.Стиркас ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Рус тилини замонавий АКТ асосида ўқитиш назариясини В.Г.Апальков, М.Г.Евдокимова, М.Н. Евстигнеев, Э.Д. Кошеляева, Н.С. Петришчева, С.В. Титова, А.В. Филатова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Шунингдек, шахс томонидан медиа ишлаб чиқаришни самарали ўрганиш, талабалар ўртасида медиа саводхонлигини шакллантириш, медиа таълим мазмунининг турли босқичларида таълим мазмунига медиа ишлаб чиқариш ғояларига устуворлик бериш асносида тадқиқ этиш масалалари Э.Л. Вартанова, Д.Е. Григорова, А.Ю. Дейкина, Т.Г. Добросклонская, А.А. Журин, Д.В. Залагаев, А.А.Журиным, Д.В.Залагаев, Н.А.Иванов, Н.Б.Кириллова, Н.А.Коновалова, Е.В.Мурюкина, А.А.Новиков, Е.А.Столбникова, А.В.Федоров, М.Н.Фоминова, А.В.Шариковлар томонидан ўрганилган.

Хориж олимлари Жак Гоннет (Jak Gonnet), Иннис Гарольд (Innis Harold), Френк Зингрон (Frank Zingrone), Киттлер Фридрих (Kittler Friedrich), Хайм Мишел (Heim Michael), Хэвлок Эрик (Havelock Eric), Эрик Маклюэн (Eric McLuhan) ва бошқалар томонидан таълимни оммавий ахборот воситалари, медиа материаллари ёрдамида ташкил этиш ва уларнинг таъсирига асосланган шахс ривожланишига оид масалалар тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация иши бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А1-ХТ-1-33147 «Узлуксиз таълим тизимида педагогик жараёнларини ташкил этишни бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш технологиялари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади медиа технологиялар ёрдамида бўлажак рус тили ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатишнинг педагогик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

медиа технологиялар ёрдамида бўлажак рус тили ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш тизимини такомиллаштиришнинг педагогик имкониятларини қиёсий таҳлил асосида интеграциялаш;

медиа маданиятни ривожлантириш бўйича илғор хориж тажрибаларини ўрганиш асосида бўлажак рус тили ўқитувчиларининг медиа саводхонлиги сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган медиа-таълим моделининг имкониятларини аниқлаш;

медиа таълим воситасида бўлажак рус тили ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш босқичларининг мазмунини такомиллаштириш;

бўлажак рус тили ўқитувчилари медиа маданиятини кенг ривожлантиришга хизмат қиладиган моделини такомиллаштириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак рус тили ўқитувчиларининг медиа-технологиялар ёрдамида назарий ва амалий кўникмаларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш мазмуни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети ҳамда Навоий давлат педагогика институтидаги 420 нафар респондентлар жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини бўлажак рус тили ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш тизимини такомиллаштириш мазмуни, шакли, йўллари, усул, восита, методлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир илмий-методик адабиётларни қиёсий-таҳлилий ўрганиш ва таҳлил қилиш; илғор тажрибаларни ўрганиш; кузатиш, социометрик (суҳбат, анкета, тест), педагогик-психологик ходисаларнинг тизимли таҳлили, мониторинг, педагогик эксперимент, математик-статистик каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

медиа технологиялар ёрдамида бўлажак рус тили ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш тизими мазмунини такомиллаштириш босқичлари (медиа саводхонлик, оммавий ахборот воситаларини ўзлаштириш, медиа компетентлик)нинг педагогик имкониятлари медиа-технологиялар ва веб-квестларнинг дидактик тамойилларини бирлаштириш асосида кенгайтирилган;

бўлажак рус тили ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш модели «Университет медиа кутубхонаси», медиа-каталоглар ва медиатекаларни мультидастурлашга мўлжаллаб оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак рус тили ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш тизими ахборотнинг хусусияти, медиа технологиялари, баҳолаш ва мониторинги экстраполяциясига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак рус тили ўқитувчиларини устувор маълумотларни бериш, баҳолаш ва кузатиб бориш орқали медиа маданиятини кенг ривожлантириш имкониятларини яратиш учун «Рус тили дунёсида», «Замонавий рус тили» электрон манбаларидан фойдаланиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак рус тили ўқитувчиларининг медиа маданиятини ривожлантириш ўқув курсларининг мазмунини бойитишга устуворлик бериш ва медиа усулларни такомиллаштириш асосида кенгайтирилган;

бўлажак рус тили ўқитувчиларининг медиа маданиятини ривожлантириш технологиясига, шунингдек, фанларни дидактик қўллаб-қувватлашга қаратилган таъминот («Рус тилини ўқитиш методикаси», «Рус тилининг стилистикаси») ишлаб чиқилган; бўлажак умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг медиа маданиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи технологик қўллаб-қувватлаш (www.mediateka.zn.uz, ziyoNet.uz сайти) бойитилган;

бўлажак рус тили ўқитувчиларининг қизиқишларига мос равишда амалий кўникмаларга эга бўлиш генерациясини амалга оширадиган фундаментал билимларни ҳосил қилувчи, уларни университет аудиториясининг мултимедиа майдонида тақдим этишнинг оқилона ҳажми ва шакллари таъминлайдиган модель ишлаб чиқилган;

рус тилидаги ўқув курслари учун ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмаларни яратиш ва улардан бўлажак ўқитувчиларнинг медиа маданиятини ривожлантириш технологиясини ривожлантириш асосида назарий ва амалий машғулотларни ташкил қилишда фойдаланиш бўйича илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро илмий-услубий ва илмий-амалий конференциялар материаллари тўпламлари, Олий аттестация комиссияси тасарруфидаги журналларида, шунингдек олинган амалий натижаларни акс эттирувчи халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги, фойдаланилган назарий ва амалий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, аналитик ва экспериментал ишланмаларнинг самарадорлиги математик статистика методлари ёрдамида асослангани ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогика фани бўлажак рус тили ўқитувчиларининг медиа маданиятини ривожлантиришга оид янги назарий

ёндашув, ғоя, тавсиялар билан бойитилган; рус тилини ўрганиш бўйича дидактик таъминотни яратиш («Рус тилини ўқитиш методикаси», «Рус тилининг стилистикаси») асосида ўқув курси, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларнинг мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, бўлажак рус тили ўқитувчиларининг медиа маданиятини ривожлантиришга хизмат қилувчи технологик таъминот (ziyoNet.uz саҳифасидаги www.mediateka.zn.uz веб-сайти); бўйича олинган натижалар асосида ўқув режалари, ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари мазмунини такомиллаштириш, ишлаб чиқилган аниқ тавсиялар асосида ўқитувчиларнинг медиа маданиятини ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланиди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Медиа технологиялар воситасида бўлажак ўқитувчиларни назарий ва амалий кўникмаларга ўргатишга доир тадқиқот натижалари асосида:

оммавий ахборот манбаларидан керакли маълумотларни қидириш, танлаш, қайта ишлаш, сақлаш, улардан самарали фойдаланиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, келажакда ўқитувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришда қобилиятларни шакллантириш бўйича таклифлар И-ХТ-0-19929 Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9 синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш (математика, информатика)» номли инновацион лойиҳанинг амалий топшириқларини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 августдаги 89-03-3252-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак ўқитувчиларнинг келгусидаги касбий сифатларини ошириш, уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш қобилиятларини ривожлантириш, изланиш, фикрларни шакллантириш, сўзлаш, жараёнининг вақтни бошқариш каби кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилиш имконияти кенгайтирилган;

медиа стрим технологияларини бўлажак ўқитувчиларни ўқитиш жараёнига самарали қўллаш, хусусан, бўлажак рус тили ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш модели «Университет медиа кутубхонаси», медиа-каталоглар ва медиатекаларни оптималлаштириш бўйича таклифлардан И-ХТ-0-19929 -» Таълим қорақалпоқ тилида ўқитиладиган мактабларнинг 8-9 синфлари учун аниқ фанлар бўйича электрон дарслик ва методик тавсия иловасини яратиш ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш (математика, информатика)» номли инновацион лойиҳанинг амалий топшириқларини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 августдаги 89-03-3252-сон маълумотномаси). Натижада, ўқув материалларини подкастлар шаклида таҳсил олувчиларга етказиш учун кўшимча имкониятлар яратилиб, ушбу технологиядан ўқув жараёнида фойдаланиш имконияти кенгайтирилган;

ишлаб чиқилган «Рус тили дунёсида», «Замонавий рус тили» электрон ресурсларидан А1-ХТ092997 давлат рақами билан рўйхатидан ўтган «Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий кадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари» инновацион лойиҳасининг амалий вазифаларини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 августдаги 89-03-3252-сон маълумотномаси). Натижада, веб-хизматлар орқали подкастларни яратиш ва узатиш жараёнида бўлажак ўқитувчилар учун уларни юклаб олиш, материални тўлиқ ўзлаштириш учун уларни кўриш, масофавий маслаҳатлар олиши таъминланган;

экспериментал Дастур асосида ишлаб чиқилган материаллар ва таклифлардан А1-ХТ092997 давлат рақами билан рўйхатидан ўтган «Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий кадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари» инновацион лойиҳасининг амалий вазифаларини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 августдаги 89-03-3252-сон маълумотномаси). Натижада, «Университет медиа кутубхонаси» технологиялари, медиа-каталоглар ва медиа-кутубхоналарни такомиллаштириш асосида бўлажак рус тили ўқитувчиларининг медиа-компетенциялари ривожланган, веб-хизматлар орқали подкастларни яратиш ва юбориш жараёнида уларнинг масофавий маслаҳатлар олиши таъминланган, уларни юклаб олиш ва материални тўлиқ ўзлаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларида 5 мақола, шулардан, 3 таси республика ва 2таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, 3 боб, 7 та параграф, боблар бўйича хулосалар, умумий хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий

этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Медиа технологиялар ёрдамида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг илмий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида тилларни ўқитиш технологияларини такомиллаштириш, талабаларнинг ижтимоий-маданий билимлари, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, медиа технологиялардан фойдаланган ҳолда тил ўрганиш кўникмаларини доимий равишда мукамаллаштириш соҳасидаги илмий-назарий тадқиқотлар ёритилган.

Тилларни, шу жумладан рус тилини ўргатиш муаммоларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, замонавий шароитда педагогик, ахборот-коммуникация ва медиа технологияларидан фойдаланган ҳолда инновацион ўқитиш усулларини жорий этиш масалалари алоҳида аҳамият ва долзарблик касб этади.

Шахснинг медиа маданияти - тарқатилаётган оммавий ахборот воситалари билан танишиш, уларни танлаш, таҳлил қилиш ва баҳолашга асосланган шахснинг умумий маданиятининг таркибий қисмидир. Бу шахснинг маънавий, маданий, касбий ва амалий соҳаларига мос келадиган назарий билим, кўникма ва малакаларни қўллаш қобилияти мажмуидир.

Медиа технологиялар - интерактив ўқув жараёнининг ягона бошқаруви остида визуал ва аудио эффектларни турли вазиятларда мультидастурлашга мўлжалланган электрон ҳужжатларни тайёрлаш. Ушбу технологиялар алоқа воситаларидан бири бўлиб, инсон фаоллигининг кўрсаткичидир¹.

Мултимедиа - бу бир вақтнинг ўзида турли хил оммавий ахборот воситалари - овозли, анимацион компьютер графикалари, видеофильмларни тақдим этишни таъминлайдиган интерактив тизим. Шунга кўра, рус тилини ўргатишда объектни намойиш қилиш матнли, аудио, график ва видео маълумотларни, шунингдек, у билан ўзаро таъсир ўтказиш усулини ўз ичига олиши мумкин.

Ушбу бобда шахснинг фаолият воситаси, алоқа усули бўлган медиа-технологияларга доир миллий ва хорижий илмий тадқиқотлар таҳлили акс эттирилган. Медиа технологияларнинг объекти - бу ахборот. Шунга кўра, инсон томонидан медиа маданиятни ўзлаштириш спонтан жараён эмас, балки аста-секин эволюцион ривожланишга асосланади. Медиа маданият ва шахс шаклланиши жараёнининг умумий моҳияти унинг медиа-уйғунликдаги ифодасида намоён бўлади.

Электрон таълимни технологиялаштириш тенденцияси ўқитувчининг ролини ўзгартирмоқда. Таълим жараёнининг бош субъекти бўлмиш ўқитувчи электрон дарсликлар, маълумотлар базалари, тест дастурлари ва бошқаларнинг асосий контентини дастурчилар, дизайнерлар, тизим маъмурларига тақдим этади, натижада, улар электрон таълим тизимининг «асосий яратувчиси» сифатида фаолият кўрсатади. Бироқ, дастурчи, ёки

¹ "Медиа" сўзи инглиз тилида: "воситачи", "усул", "оралиқ босқич" ; лотинча: "медиа", медиум" - диккат, восита, усул деган маъноларни англатади

муҳандиснинг нопедагогик касбий йўналиши электрон таълим воситаларининг етарли самарадорлигини кафотлатламайди. Шунингдек, бугунги кунда таълим тизимида ишлатилаётган хорижий дастурий таъминот тизимларининг аксарияти ва уларга жойлаштирилган таълимий электрон воситалар улар моҳиятини ёритувчи тизимлар ва технологияларни ишлаб чиқишда бевосита белгилаб қўйилган принципларга риоя қилишга ундайди, бу эса, педагогик жиҳатдан айрим ҳолларда электрон таълимнинг педагогик самарадорлигини пасайтиради.

Фикримизча, бўлажак рус тили ўқитувчиларини тайёрлашда медиа-таълим муҳити самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим: талабаларнинг мустақиллиги ролини ошириш; офлайн ўқитишнинг дифференциацияси (табақаланиши) ва индивидуаллаштиришни кучайтириш; уларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш ва аввалги тажрибаларига таяниш; танланган касбнинг ўзига хос хусусиятларини яхшироқ англаш учун психологик ва дидактик шароитларни яратиш; авторитар мулоқот позициясидан демократик мулоқот услубига ўтиш. Шунингдек, уларнинг қизиқишларига жавоб берадиган материалларни танлашга пухта, қўшимча равишда грамматикани ўрганишга туртки берадиган даражадаги ёндашувни амалга ошириш; рус тилини ўрганишнинг барча жабҳаларида аудиториядаги материал мазмунининг ўзаро боғланишини таъминлаш ва машғулотлар мазмунининг бир-бирини тўлдирадиган ва қўллаб-қувватлайдиган кўринишга эга бўлиши учун уни такрорлаш (ўқиш, ёзиш, гапириш, тинглаш); мультимедиа воситаларини жалб қилган ҳолда визуализация воситаларидан максимал даражада фойдаланиш.

Таълим жараёнида оммавий ахборот воситалари ва ахборот хизматларидан фойдаланиш бўйича мавжуд адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ушбу муаммо ўзига хос миллий хусусиятга эга ва турли мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши нуктаи назаридан ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ривожланган мамлакатларда халқаро ташкилотлар бошқарув ходимлари, ўқитувчилар, талабалар ва ота-оналар учун мультимедиа хизматларини кенг жорий этиш орқали уларнинг фуқаролик фаоллигини ва касбий ўсишини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Масалан, Бутунжаҳон Аффаиғс Кенгашининг (АҚШ) асосий фаолияти ўқитувчилар учун мультимедиа хизматларини кўрсатса, Cisco Systems, Internet Business Solutions Group (Европа) Германияда ўқитувчилар, тадқиқотчиларнинг бошқарув фаолиятида услубий ёрдам кўрсатиш; давлат идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун зарур бўлган PDF форматида тегишли шакллар ва ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш ва тарқатиш; ўқитувчиларнинг ўз устида ишлашига қаратилган.

Диссертациянинг «**Бўлажак рус тили ўқитувчисини медиа-технологиялар ёрдамида касбий тайёрлашнинг шакллантириш «моделли»**» деб номланган иккинчи бобида бўлажак рус тили ўқитувчиларида назарий ва амалий кўникмаларни медиа технологиялар воситасида

такомиллаштиришнинг таркибий-функционал модели акс этирилган. Бўлажак рус тили ўқитувчиларида назарий ва амалий кўникмаларни медиа технологиялар воситасида такомиллаштиришнинг таркибий-функционал модели қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутди: 1) таълим муҳити концепциясини рус тилининг грамматик жихати билан боғлиқ ҳолда аниқлаштириш; 2) педагогик олий таълим муассасаларида рус тили грамматикасини ўқитишда таълим муҳитининг таркибий қисмини аниқлаштириш; 3) медиа технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим муҳитини лойиҳалаш билан боғлиқ самарадорлик тушунчасини аниқлаштириш; 4) таълимнинг самарали муҳитини лойиҳалаштириш учун принципларни танлаш; 5) таълим муҳити самарадорлигини ошириш босқичлари, йўналишлари ва унинг таркибий қисмига қўйиладиган талабларни аниқлаш; 6) «кучли» ва «заиф» талабалар учун табақалаштирилган дастурларни, шу жумладан талабалар эҳтиёжлари ва имкониятларига жавоб берадиган ва улардан фойдаланишда ҳар хил частоталарни таъминлайдиган табақалаштирилган ўқув материалларини ишлаб чиқиш; 7) таълимнинг шахсга йўналтирилган парадигмасига ва аниқ талабаларнинг ҳақиқий эҳтиёжларига мос келадиган рус тили грамматикасини ўқитиш учун энг самарали техника ва технологияларни танлаш.

Ҳар қандай таълим моделининг асосини стандартлар, ижтимоий буюртма ва меҳнат бозорида мутахассисларга бўлган эҳтиёж ташкил этади. Шунингдек, моделни ишлаб чиқишда услубий ёндашувлар ҳисобга олиши муқаррар. Илмий тадқиқотларда моделлаштириш энг долзарб усул экан, бизнинг тадқиқотларимизда бу эмпирик ва назарий тадқиқот усулларини умумлаштиришга имкон берди. Медиа технологиялардан фойдаланган ҳолда бўлажак рус тили ўқитувчиларининг назарий ва амалий кўникмаларини такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш масаласини ҳал қилиш учун биз ўқув дастурларини, электрон маърузаларнинг мазмунини, илмий-услубий йўналишини ва АКТ орқали маълумотларни узатиш имкониятларини ташкил қилишни таҳлил қилдик.

Ушбу бобда педагогика олий таълим муассасаларида мультимедиа хизматларидан фойдаланиладиган дастурий воситалар: Ispring Suite, Articulate 360, Adobe Captivate, CourseLab, Moodle, Wordpress, PHP, Turbo Site, Bandicam, Audisity, Movavi Video, Editor Plus, AutoPley, Media Studio 8, Macromedia Flash кабилар таҳлил қилинган ва таълим сифатини ошириш жараёнида электрон ахборот ресурсларидан самарали услубий манба сифатида фойдаланиш имкониятини яратиши аниқланган.

Тадқиқотлардан аниқланишича, бўлажак рус тили ўқитувчиларида назарий ва амалий кўникмаларни медиа технологиялар воситасида такомиллаштиришнинг таркибий-функционал моделининг хусусияти - унинг касбий фаолиятининг индивидуал услубини шакллантиришга ҳисса қўшган ҳолда, шахсни касбий фаолиятга жалб қилишда намоён бўлади. Ушбу модель мақсадни белгилаш, мазмунли, технологик, функционал ва бошқарув каби таркибий блокларни ўз ичига қамраб олади.

Таклиф этилаётган моделнинг таркибий қисмлари педагогик жараёни ташкил этиш, мақсад, вазифалар, мазмун, шакл, усулларни ёритиб беради ҳамда ушбу жараён элементлари ўртасидаги ўзаро таъсирни мунтазам амалга оширишни таъминлайди.

Бўлажак рус тили ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш тизимини такомиллаштиришда медиа маданиятга ижтимоий муҳит (макро, мезо ва микро) мазмуни, маънавий, маърифий, шахсий муносабат каби омиллар таъсир қилади ҳамда улар таълим муассасалари фаолияти, бўлажак ўқитувчиларнинг ахлоқий кадриятлари билан чамбарчас боғлиқдир

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган модель бўлажак рус тили ўқитувчиларини медиа технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишни такомиллаштиришнинг янгиланган тизимини, педагогик таълим сифатининг янги, илмий асосланган динамикасини амалга оширишни назарда тутди.

Диссертациянинг «**Бўлажак рус тили ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш механизмларини такомиллаштириш бўйича тажриба-тадқиқот ишлари**» деб номланган учинчи бобда медиа технологиялар воситасида бўлажак рус тили ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш механизмларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган экспериментал ишлар ёритилган. Тажриба-тадқиқот ишлари тўрт босқичда амалга оширилганлиги мазкур бобда ўз ифодасини топган, яъни, аниқловчи (2017-2018), таъкидловчи (2018-2019), шакллантирувчи (2019-2020) ва яқунловчи (2020-2021) босқич тажриба-синов ишларидан иборат бўлиб, республиканинг Бухоро давлат университети, Самарқанд давлат университети ҳамда Навоий давлат педагогика институтида олиб борилди. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган модель амалиётга татбиқ этилди, шунингдек, ўқув жараёни инновацион ташкил этилиб, рус тили ўқитувчиларини тайёрлаш стратегияси мультимедиа воситалари ёрдамида такомиллаштирилди. Тажриба-тадқиқот ишларида жами 420 нафар бўлажак ўқитувчи (бакалавр), 68 нафар профессор-ўқитувчилар жалб қилинди (1-жадвал).

1-жадвал.

ОТМ номи ва тажриба-тадқиқотларда қатнашган респондентлар сони

| № | Тажриба-тадқиқотларда қатнашган ОТМ номи | Талабалар сони | Профессор- ўқитувчилар сони |
|----|---|-------------------|--------------------------------|
| 1. | Бухоро давлат университети | 120 | 33 |
| 2. | Самарқанд давлат университети | 150 | 18 |
| 3. | Навоий давлат педагогика институти | 150 | 17 |
| | Жами | 420 | 68 |

Тажриба-тадқиқотда ўзгарувчан ижтимоий-маданий шароитларга, медиа-технологияларга ва фаол ўқитиш услубларига таъсир кўрсатадиган таълимнинг энг самарали шакллари жорий этилди. Юқорида айтиб ўтилган ОТМларнинг «Педагогика» ва «Бошланғич таълим» факултетларининг 420 нафар бўлажак ўқитувчилари инновацион фаолият билан камраб олинди.

Экспериментал ишларни ташкил қилишда ўқув жараёнига медиа технологияларни жорий қилиш ёрдамида турли хилликлар асосида пайдо бўладиган янги шаклларнинг тегишли ва тизимли равишда эволюцион натижаларни қўлга киритишга эътибор қаратилди.

Тажириба-тадқиқот мобайнида педагогик шарт-шароитларнинг ўхшашлиги (ягона ўқув режалари ва дастурлари, респондентларнинг таркиби, ўқув жараёнини ахборот-техник жиҳатдан таъминлаш), шунингдек бир хил нисбатдаги ўзгаришларнинг таъсирини баҳолаш нуқтаи назаридан назорат ва экспериментал гуруҳлар кўрсаткичлари таққосланди.

Натижада тажирибанинг янги сифатли босқичига ҳисса қўшадиган педагогик шароитлар, қонуниятлар, усуллар, шакллар, воситалар ва усуллар аниқланди; уларни педагогик тажирибага жорий этиш асосида зарур тавсиялар тизими ишлаб чиқилди. Медиа технологиялар ёрдамида бўлажак рус тили ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш учун дастурлаштирилган, симуляция, намойиш қилиш, маълумотларни тўплаш каби тадқиқот моделларидан фойдаланилди. Медиа технологиялар ёрдамида бўлажак рус тили ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш тизимининг мазмунини такомиллаштириш босқичлари: медиа саводхонлик, оммавий ахборот воситаларини ўзлаштириш, медиа компетентликнинг педагогик имкониятлари аниқланди.

Бўлажак рус тили ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш механизмлари медиа-технологиялар ва веб-квестларни бирлаштириш асосида такомиллаштирилди.

Бўлажак рус тили ўқитувчиларининг медиа маданиятини ривожлантириш учун «Рус тили дунёсида», «Замонавий рус тили» электрон манбалари ва шу бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, рус тилини ўрганишга мўлжалланган «Университет медиа кутубхонаси», медиа-каталоглар ва медиатекаларни оптималлаштириш асосида бўлажак рус тили ўқитувчиларининг медиа-компетентлигини ривожлантириш механизми такомиллаштирилди. Мақсадли кўрсаткичларни аниқлашнинг қиёсий таҳлили асосида бўлажак рус тили ўқитувчиларини медиа-технологияларидан фойдаланган ҳолда тайёрлаш модели такомиллаштирилди.

Медиа технологиялар воситасида бўлажак рус тили ўқитувчиларининг назарий ва амалий кўникмаларга эғалиги бўйича назорат ва тажириба гуруҳларидан олинган маълумотлар статистик таҳлил қилинди ва тажириба гуруҳ иштирокчиларининг юқори даражада назарий ва амалий маълумотларни мультимедиа асосида эғаллаш даражаси аниқланди. Масалан, Навоий давлат педагогика институтидан тажирибада қатнашган респондентларнинг 82% педагогик жараёнлар учун автоматлаштирилган ўқув материалдан фойдаланиш қобилиятини намоён қилдилар. Ўқитувчиларнинг дидактик жараёнларни мультимедиа воситалари асосида бошқариш(88%), таркибни таҳрирлаш (86%), ўқув материалларини яратиш (99%) ҳамда уларни турли ўқув дастурларига киритиш бўйича компетенциялари(86%)ни намойиш этдилар. Респондент-ўқитувчиларнинг

81% мультимедиа иловаларидаги таркибни синхронлаштириш, 97% он-лайн тестларни яратиш ва 98% ўтказиш ҳамда уларнинг натижаларини автоматик равишда олиш ва маълумотлар базасини кенгайтириш қобилиятларини намойиш этишди.

Тадқиқот доирасида Бухоро давлат университетидан тажрибада қатнашган респондентларнинг 97% фан ва таълим соҳасидаги сўнги янгиликлар тўғрисида талабаларни оммавий равишда хабардор қилиш учун янгиликлар лентасидан фойдаланиш қобилиятини намойиш этди; 88% Интернет орқали оммавий сўров ўтказиш қобилиятини кўрсатди; Ўқитувчиларнинг 96 фоизи ўқув материаллари бўйича энг оммабоп ҳисобот турлари учун андозалар яратиш бўйича малакасини намойиш этдилар.

Тадқиқот натижаларига кўра, Самарқанд давлат университетидан тажрибада қатнашган бўлажак ўқитувчиларнинг 89 фоизи янгиланган хизмат кўрсатиш тизимидан қандай фойдаланиш, янги шарҳлар ёки хабарларни таҳрирлаш (100%), веб-семинарлар ва ёзувлар (81%) ўтказиш, қидириш ва филтрлаш, алоҳида фойдаланувчиларни қидиришни билишади. маълумотлар базаси (89%), электрон форумлар, микроблоглар яратиш (69%) малакасига эга (62%) эканлигини намойиш этишди.

Мультимедиа технологиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларни назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш бўйича ўтказилган тажриба-тадқиқот ишлари самарадорлигини аниқлаш учун Стъудент ва Пирсоннинг χ^2 математик- статистика усулларида, шунингдек Колмогоров-Смирнов мезонларида фойдаланилди. Мультимедиа технологиялар воситасида бўлажак ўқитувчиларни назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш самарадорлигини аниқлаш учун тажриба бошида уларнинг медиа саводхонлиги, медиа маданияти, медиа хизматлардан фойдаланиш даражаси таҳлил қилинди ва тажриба якунида уларнинг белгиланган мезонларга асосланиб, қарорлар қабул қилиш ва ўз ишларини баҳолашда юқори малакаларни намойиш этишлари ўрганилди. Бунда тажриба гуруҳи респондентлари таълимни оптимал режалаштириш ва ташкил этиш кўникмаларини намойиш этдилар.

Назорат гуруҳларида ўрганилаётган аспект бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ўқув жараёни субъектлари сони X_{ini} назорат кўрсаткичларига мос келди, мувозанатли статистик гуруҳланган дисперсиялар қатори, бу ерда қўллаш ва ўзлаштириш қобилияти 5-«аъло» 4 балл- «яхши», 3 балл- «қониқарли», 2 балл- «қониқарсиз» деб баҳоланди.

Бинобарин, тажриба гуруҳида медиа-технологиялар ёрдамида бўлажак рус тили ўқитувчиларининг назарий ва амалий кўникмалари назорат гуруҳидаги респондентларниқидан юқори бўлиб чиқди.

$$2,85 \leq a_x \leq 2,93$$

Тажриба-тадқиқотда мультимедиа технологиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларни назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш мезонлари баҳоланди (2-жадвал):

2-жадвал.

Мультимедиа технологиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг назарий ва амалий кўникмаларга эгаллигини аниқлаш мезонлари

| № | Даража | Мезонлар |
|---|---|--|
| 1 | Юқори 86-100 балл 22-25та тўғри жавоб (25тадан) | Ўқув материали хусусиятларини мукамал билади |
| | | «тил» аспектларини яхши тушунади |
| | | Назарий билимларни амалиётда мультимедиа технологиялари асосида қўллай олади |
| | | Медиамаҳсулот асосида рус тилини ўзлаштира олади |
| 2 | Ўрта 71-85 балл 18-21 та тўғри жавоб (25тадан) | Ўқув материали хусусиятларини яхши билади |
| | | «тил» аспектларини талаб даражасида билади |
| | | Назарий билимларни амалиётда қўллай олади |
| | | Медиамаҳсулот асосида рус тилини ўзлаштира олади |
| 3 | Паст 55-70 баллгача 14-17 та тўғри жавоб (25тадан) | Ўқув материали хусусиятларини ўртача билади |
| | | «тил» аспектларини билади |
| | | Назарий билимларни амалиётда қўллай олади |
| | | Медиамаҳсулот асосида рус тилини ўзлаштира олади |


Юқоридаги жадвал кўрсаткичларига асосланган мультимедиа технологиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг назарий ва амалий кўникмаларга эгаллик даражаси натижаларини қуйидаги жадвалда акс эттирамиз (3-жадвал):

3-жадвал.


Мультимедиа технологиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг назарий ва амалий кўникмаларга эгаллик даражаси кўрсаткичлари

| Танланмалар | Гуруҳлар, Респондентлар сони | Ариф- Метик ифода | Даража кўрсаткичлари | | | | | |
|-------------|------------------------------------|-------------------------|----------------------|------|------|-----------------|------|------|
| | | | Тажриба бошида | | | Тажриба охирида | | |
| | | | Юқори | Ўрта | Паст | Юқори | Ўрта | Паст |
| 1 -танланма | Тажриба $n_i = 207$ | X_i | 48 | 62 | 97 | 60 | 84 | 63 |
| 2-танланма | Назорат $n_i = 213$ | Y_j | 35 | 74 | 104 | 41 | 78 | 94 |

Мультимедиа технологиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг назарий ва амалий кўникмаларга эгаллик даражаси кўрсаткичларига мос келган диаграмма қуйидагича кўриниш олади (1-2-расмлар):



1-расм. Тажриба бошида



2-расм. Тажриба якунида

Мультимедиа технологиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг назарий ва амалий кўникмаларга эгалик даражаси (тажриба боши ва якунида)

Олинган натижаларга асосланган ҳолда математик статистик таҳлил амалга оширилиб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик мезони ва ишончли четланишлари топилди. Булар қуйидаги жадвалда акс эттирилди:

| \bar{X} | \bar{Y} | S_x^2 | S_y^2 | C_x | C_y | $T_{x,y}$ | K | $X_{n,m}^2$ | Δ_x | Δ_y |
|-----------|-----------|---|---------|-------|-------|-----------|-------|-------------|------------|------------|
| 2,07 | 2,04 | Тажрибадан олдин самарадорликка эришилмаган | | | | | | | | |
| 2,47 | 2,1 | 0,3891 | 0,63 | 2 | 3 | 4,02 | 220,5 | 18,43 | 0,11 | 0,14 |

Юқоридаги натижаларга асосланиб, тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум: $\bar{X}=2,47$; $\bar{Y}=2,1$; $\Delta_x = 0,11$; $\Delta_y = 0,14$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{усб} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,47 - 0,11}{2,1 + 0,14} = \frac{2,36}{2,24} = 1,05 > 1;$$

$$K_{доб} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,47 - 0,11) - (2,1 - 0,14) = 2,36 - 1,96 = 0,40 > 0$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори эканлиги маълум бўлади.

Демак, мультимедиа технологиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг назарий ва амалий кўникмаларга эгалик даражасини

таъминлашни такомиллаштириш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

ХУЛОСА

«Медиа технологиялар воситасида бўлажак ўқитувчиларни назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш (рус тилини ўқитиш мисолида)» бўйича амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Глобаллашув шароитида мультимедиа технологиялари воситасида бўлажак ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатишнинг назарий, илмий-методик жиҳатдан ўрганиш долзарб ижтимоий-педагогик муаммо эканлиги асосланди. Таълим маконининг рақамлашуви таъсири остида ривожланган медиа технологияларидан фойдаланган ҳолда бўлажак рус тили ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштиришнинг ташкилий ва педагогик шартларини асослаш бу масалани белгиланган амалиёт билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқишга имкон беради. Таълим муҳитининг медиа-ресурслари кўрсаткичлари асосида медиа технологияларидан фойдаланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларни ўқитиш назарияси ва амалий кўникмаларини яратиш модели дидактик принциплар, шакллар ва усуллар билан компонентларнинг сифатларини акс эттиради.

2. Тадқиқот доирасидаги назарий таҳлиллар келажакдаги рус тили ўқитувчиларининг медиа технологияларидан фойдаланган ҳолда назарий ва амалий кўникмалар тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилди.

3. Медиа технологиялардан фойдаланган ҳолда бўлажак рус тили ўқитувчиларини назарий ва амалий кўникмаларга ўргатиш механизмларининг технологик тизимини ишлаб чиқиш юқори малакали мутахассисларнинг медиа саводхонлигини, медиа-маданиятини, медиа-компетенциясини босқичма-босқич шакллантиришга хизмат қилади. Медиа технологиялар воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг назарий ва амалий кўникмаларини ривожлантириш конструкциялари, усуллари, шарт-шароитлар педагогик категорияларнинг муаллифлик талқинини илгари суришга имкон берди. Тадқиқот концепцияси ва мақсади билан боғлиқ бўлган ва тажриба давомида такомиллаштирилган тадқиқот модели назарий, педагогик ва амалий қоидалар, хулосалар бўлажак рус тили ўқитувчиларини медиа технологиялардан фойдаланган ҳолда тайёрлаш тизими учун ишлаб чиқилган медиа дастурий таъминот самарадорлигини тасдиқлади.

4. Экспериментал тадқиқотлар натижаларининг миқдорий ва сифат натижалари каби барча кўрсаткичлари такомиллаштирилган педагогик шарт-шароитлар мажмуида ҳамда медиа технологиялардан фойдаланган ҳолда бўлажак ўқитувчиларда назарий ва амалий кўникмаларни ривожланганлигидан далолат беради.

5. Тажриба-тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, бўлажак ўқитувчиларни медиа технологияларидан фойдаланган ҳолда тайёрлашнинг такомиллаштирилган моделини амалга ошириш юқори самарадорликка эга. Ишлаб чиқилган мезон даражасидаги гностик-технологик фаолият бўлажак

ўқитувчиларнинг касбий ривожланишининг таркибий қисмидаги сифат ўзгаришини таъминлайди, таълим субъектларининг интерфаол самарали ўзаро таъсири техникаси, усулларини тушунишга имкон беради.

6. Тадқиқот давомида бўлажак ўқитувчиларни медиа технологиялардан фойдаланган ҳолда тайёрлашнинг афзалликлари аниқланди. Булар: мунтазам такрорланадиган топшириқлар натижасида мантиқий фикрлаш ва ўтган ўқув материални тушуниш қобилиятларининг ривожланиши; кинестетик идрок ва ўзаро алоқа жараёнида хотиранинг аввалги тажриба ва билимларни сафарбар қилиши; таълим субъектининг ўзини эркин ҳис этиб, индивидуал режимда ишлашга имконият яратилиши; жамоадаги микроклимга ижобий таъсир кўрсатадиган машғулотлар тезлигининг таъминланиши; медиа-технологиялар ёрдамида муайян маълумотни муҳокама қилиш учун ассоциатив ҳаволалар сонининг кўпайиши, натижада, билим, кўникма ва малакалар такомиллашувига хизмат қилиши.

7. Ўтказилган тадқиқотлар ва тажриба давомида олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, экспериментал гуруҳларда, назорат гуруҳлари билан таққослаганда, бўлажак мутахассисларнинг касбий ўсишига мос келадиган назарий ва амалий билимларни ўзлаштириш даражаси юқори бўлиб чиқди, бу назария ва амалиётни ўқитишнинг такомиллаштирилган технологиясини амалга ошириш самарадорлигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва асослилиги танланган методология, уларнинг педагогик тадқиқотлар учун замонавий талабларга мувофиқлиги, тадқиқотнинг мақсадлари ва вазифаларига мос келадиган педагогик тадқиқот усуллари тўплами, олинган маълумотларнинг ваколатлилиги, экспериментал қидирув билан тасдиқланди.

ТАВСИЯЛАР

Назарий ва тажриба-тадқиқот тадқиқотлар натижаларига кўра:

1. Замонавий аудиторияларда бўлажак ўқитувчиларнинг назарий ва амалий кўникмаларини ривожлантиришга мўлжалланган, ўқув материали сценарияларини мультимедиали виртуал ўқув муҳити мультимедиа технологиялари (иммерсив стриминг)ни ўқув жараёнига киритиш мақсадга мувофиқдир.

2. Таълим сифатини оширишнинг асосий шарти сифатида талабаларнинг мустақил билим олишларига мўлжалланган мультимедиа маҳсулотларини миллий таълим модели вазифаларидан келиб чиқиб, кўпайтириш лозим.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига: мультимедиали воситаларни таълим жараёнига татбиқ қилиш бўйича профессор-ўқитувчилар учун мўлжалланган рус тилидаги услубий ўқув қўлланмалар кўламини кенгайтириш тавсия этилсин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК № PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АЛИМОВА ШАХНОЗА ШУКУРОВНА

**ОБУЧЕНИЕ ТЕОРИИ И ПРАКТИЧЕСКИМ УМЕНИЯМ БУДУЩИХ
УЧИТЕЛЕЙ СРЕДСТВАМИ МЕДИЙНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
(на примере обучения русскому языку)**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

АВТОРЕФЕРАТ

**Диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинета Министров Республики Узбекистан под №B2020.3.PhD/Ped1148.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (Council-www.tdpu.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ибрагимов Аъламжон Амриллоевич
доктор философии по педагогическим наукам, доцент
Асилова Гулшан Асадовна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация:

Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «21» 01 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 при Самаркандском государственном университете (адрес: 140104, г. Самарканд, пр. Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: Kengash-pf@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован за № 4). (Адрес: 140104, г. Самарканд, проспект Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-11-51).

Автореферат диссертации разослан «11» 01 2022 года.
(Реестра протокола рассылки № 13 от «11» 01 2022 г.).



Х.И.Ибраимов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор педагогических наук, профессор

Ш.Р.Ураков
Учёный Секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.п.н. (PhD)

Н.Ш.Шодиев
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор педагогических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В соответствии с мировыми тенденциями развития сфера образования выступает как важнейшее условие формирования общей и социокультурной компетентности высококвалифицированных специалистов, особое значение в контексте подготовки будущих специалистов уделяется вопросам повышения качества образования и его совершенствованию. Стратегическая задача в развитых странах мира ставит необходимость совершенствования моделей развития интеграции «триады знаний» (образования, исследований и инноваций) как приоритетного направления формирования глобального инновационного общества. Это делает использование медиатехнологий в образовательном процессе, формирование способностей личности применить теоретические знания, умения и навыки, соответствующих духовной, культурной, профессиональной и практической сферам деятельности одним из приоритетных направлений.

В развитых странах мира проводятся целенаправленные научные исследования по внедрению проявляющихся на международном рынке образовательных услуг информационных, коммуникационных и медиатехнологий в образовательный процесс. В частности, важны результаты исследований по применению информационно-коммуникационных технологий в образовании, обеспечению информационной безопасности в условиях глобальной информатизации и развитию творческого потенциала преподавателей, эффективному изучению производства медиапродукции отдельной личностью, формированию медиаграмотности среди студентов. Вместе с тем возникает необходимость в исследованиях, направленных на совершенствование механизмов формирования теоретических и практических навыков будущих учителей с помощью медиатехнологий.

Для формирования и развития массовой информационной культуры субъектов образовательного процесса в Узбекистане особое внимание уделяется созданию нормативно-правовой базы в виде медиа-порталов, видео-и аудиоинформации, информационно-ресурсных центров, печатной и электронной литературы, учебников, учебно-методических пособий, разработке мультимедийных программ. Определены задачи "обеспечение надежной интеграции современных информационно-коммуникационных технологий и образовательных технологий, создание дополнительных условий для непрерывного развития профессионального мастерства педагогических кадров на этом направлении"¹, важное значение в этом обретает определение эффективных форм, средств и медиатехнологий изучения языков и овладения ими в условиях глобализации

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" от 2017 года 07 февраля / <https://lex.uz/docs/3107042> (время обращения: 2021, 11 марта)

телекоммуникационных систем, разработка научно обоснованных рекомендаций по их внедрению в практику.

